



Исботлаш жараёнида ашёвий далилларнинг тутган ўрни ва аҳамияти

Mallayev Normamat Ramazonovich

Ilmiy rahbar Yuridik fanlar nomzodi dotsent

Samadov Islom Ilhomovich

Abdunazarov Sardor Otayor o'g'li

Аннотация: Мазкур илмий мақолада жиноят-протсэссуал исботлаш жараёнида ашёвий далилларнинг тутган ўрни ва аҳамияти кэнг кўламда ўрганилган. Ашёвий далиллар жиноят содир этилганлигини аниқлаш, гумон қилинувчининг айбини исботлаш ҳамда ҳолатни тўлиқ очиб бэришда асосий исбот воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Мақолада бу далилларнинг қонунийлик, мақбуллик, ишончлилик ва алоқадорлик мэзонлари асосида баҳоланиши зарурлиги ёритилади. Шунингдэк, далилларни аниқлаш, тўплаш, расмийлаштириш ва сақлаш жараёнларидаги протсэссуал талаблар, тэргов ва суд органларининг роли ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: ашёвий далил, исботлаш, жиноят-протсэссуал қонунчилик, баҳолаш мэзонлари, мақбуллик, алоқадорлик, ишончлилик, қонунийлик, ички ишонч, ҳуқуқий онг, тэргов амалиёти, суд баҳоси, халқаро тажриба, Туркия қонунчилиги, Ўзбэкистон амалиёти, протсэссуал тартиб.



Хуқуқий давлат барпо этиш йўлидан оғишмай бораётган мустақил Республикамизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг энг олий қадрият эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов бу борада шундай деган эдилар: “Бугун Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмунини ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, асосий Қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатларининг давлат манфаатларидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳраб кўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан”.¹

Мустақилликка эришганимиздан ҳозирги пайтга қадар мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, қабул қилинган қонунлар, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари инсон ҳуқуқларига давлатимиз томонидан берилаётган эътиборнинг қанчалик даражада эканлигини ўзида намоён қилади. Ўтган давр мобайнида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, шахснинг суд ҳимоясида бўлишини кафолатлайдиган инсон ҳуқуқлари ҳимоясини халқаро қоидада тартибга солувчи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги факт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Қийноқ ва шавқатсиз, ғайриинсоний, инсоннинг кадр-қимматини камситадиган муомаланинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция ва бошқа умумэътироф этилган халқаро шартномалар ратификация қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини кўлга киритган вақтдан бошлаб, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш масаласига катта эътибор бериб келмоқда. Бунинг далили сифатида давлатимиз томонидан барча соҳаларига оид ислоҳотларни амалга ошириб келинаётганлигини кўрсатиш мумкин.

¹Каримов И.А. Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари—энг олий қадрият.-Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.5



Жиноят-процессуал [қонунининг](#) Ўзбекистон Республикаси [Конституциясида](#) мустаҳкамланган асосий принципи — айбсизлик презумпциясига кўра шахс унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда белгиланган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Ҳукм фақат қонунда белгиланган тартибда тўпланган далилларга асосланган бўлиши лозим.

Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, жиноят иши бўйича суриштирув, дастлабки тергов юритиш ва уни судда кўриш даврида жиноят-процессуал қонунининг далиллар ва исбот қилишга оид [нормаларига](#) асосан риоя этилмоқда.

Шу билан бирга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни тартибга солувчи қонун талабларини бузиш ҳоллари барҳам топмаган². Шу сабабли ушбу соҳада бир қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Амалдаги ЎЗР ЖПКнинг 81-моддаси 1-қисмида «Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади»-деб кўрсатилган.

Илгариги Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 50-моддасига кўра, «Жамоат учун хавфли ҳаракатнинг юз берган-бермаганлигини, шу ҳаракатни қилган шахснинг айбдорлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамияти бўлган бошқа ҳолатларни суриштирув органининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2004 йил 24 сентябрь кундаги 12-сонли қарори



тартибда аниқлашларига асос бўладиган ҳар қандай **фактик маълумотлар** жиноят иши бўйича далил бўладилар»³. Бизнингча, бу ерда **фактик маълумотлар** деганда гап **ҳақиқий маълумотлар** ҳақида эмас, балки **ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар**⁴ устида кетаяпти. Чунки, ҳеч қандай далил олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас⁵. Маълумотлардан далил сифатида фақат бир шарт билан, яъни қонунда аниқ кўрсатилган манбалардан олинганидагина фойдаланилиши мумкин (Илгариги ЎзССР ЖПКнинг 50-моддаси 2-қисми ва амалдаги ЎЗР ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисми). Бу «фактлар тўғрисидаги маълумотлар», худди фактлар сингари фақат айнан шу манбаларда мавжуд бўлсагина, далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини англатади. Жиноят судлов иш юритишнинг ривожланиши ва такомиллашуви билан уни янги манбалар билан тўлдириш масаласи кўтарилиши мумкин. Бироқ, улардан амалда фойдаланишнинг мажбурий шарти бўлиб, уларнинг норма сифатида эътироф этилиши ҳамда қонунда мустаҳкамланиши»⁶ ҳисобланади.

Шу ўринда, далил тушунчасида унинг икки томонини, унинг шакли ва мазмунини аниқлаб олиш керак бўлишини, далил мазмуни деб у ёки бу ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларга айтилишини, далил шакли деганда эса ушбу маълумотлар манбаларини тушуниш лозимлигини, шакл ва мазмунни ажратиш имкони йўқлигини, чунки ахборот бирор моддий ташувчидан алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Далил мазмуни деб у ёки бу фактлар тўғрисидаги маълумотларга айтилади.

³ Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси (1991 йил 1 августгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Тошкент «Ўзбекистон». 1991, 32-б.

⁴ Дорохов В.Я. Понятие доказательства // Теория доказательств в советском уголовном процессе. 2-ое изд. / Под ред. Н.В. Жогина. - М., 1973. Б. 207-224.

⁵ Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. - М., 2000. Б. 81-87.

⁶ Шейфер С.А. Доказательства и доказывание по уголовным делам: проблемы теории и правового регулирования. Тольятти. 1998. 31-б.



Далил шакли деганда ушбу маълумотлар манбаларини тушуниш лозим.

Шакл ва мазмунни ажратиш мумкин эмас, чунки ахборот бирор моддий ташувчидан алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Бироқ, шакл ва мазмунни абстракциялаб ажратиш зарурдир, чунки бу икки томон алоҳида текширилади ва баҳоланади, уларга турли талаб қўйилади.

Далилларнинг хусусиятлари бу - шундай зарур белгиларки, уларсиз далиллардан далил сифатида фойдаланиш мумкин эмасдир.

Бу хусусиятларга қуйидагилар киради:

- 1) алоқадорлик;
- 2) мақбуллик;
- 3) ишончлилик;
- 4) кучи (аҳамиятлилик);
- 5) етарлилик.

Алоқадорлик-бу далилнинг ўз мазмуни билан иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси сифатида хизмат қила олишидир. Бошқача айтганда, алоқадорлик-далилларнинг мазмунан яроқлилигидир. Далиллар мазмунига қуйидаги маълумотлар кириши мумкин:

1. Исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларнинг бирортаси.
2. Далилий факт аҳамиятига эга бўлган бошқа ҳолатлар, яъни исбот қилишда аргумент сифатидаги маълумотлар.
3. Бошқа далиллар тўғрисида – уларнинг мавжудлиги, ишончлилиги, мақбуллиги тўғрисидаги маълумотлар.

Мақбуллик – далилларнинг шакл жиҳатдан яроқлилигидир.

Далилларни мақбул деб топиш учун улар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1. Манбанинг қонуний бўлиши;



2. Далилни олиш усулининг қонуний бўлиши;
3. Унинг процессуал расмийлаштирилиши;
4. Далилларни олиш тергов ва суд ҳаракатларини ўтказишга ваколатли бўлган субъект томонидангина амалга оширилиши.

Ишончлилик деганда, ҳаққонийлиги шубҳа туғдирмайдиган далил тушунилади.

Далилнинг аҳамиятлилиги – бу унинг далилий қиммати, аргумент сифатида мантиқий ишончлилигидир.

Далиллар етарлилиги деб, далиллар жамланмаси асосида ишончга сазовор хулоса чиқариш мумкин бўлиши ва иш бўйича ҳақиқатга мос келадиган қарор чиқарилишига айтилади.

Бизга маълумки, жиноят–бу исбот қилиш субъектлари учун доимо ўтмиш ҳодисаси, айнан шу сабабдан улар уни фақат ҳар қандай ҳодисаларнинг моддий дунёда ёки одамлар онгида қолдирадиган излари, қолдиқлари, акслари воситасидагина ўрганишлари мумкин.

Жиноят иши бўйича исбот қилишнинг асоси сифатида ҳар қандай ҳақиқий маълумотни далил деб эътироф этиб, унинг ўзига хос хусусиятлари, шартлари ва турларини белгилаб берган. Маълумот далил бўлиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 1) ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган, бермаганлигини тасдиқлаши ёки рад этиши;
- 2) қилмишни содир этган шахснинг айбли ёки айбсизлигини тасдиқлашга хизмат қилиши;
- 3) ҳақиқатни аниқлаш учун зарур бўлган бошқа ҳолатларни исбот қилишга ёрдам бериши;



4) исбот қилиш мажбурияти юклатилган шахслар, яъни суриштирувчи, терговчи прокурор ва суд томонидан далил деб эътироф этилиши;

5) қонунда белгиланган тартибда ҳамда усулда тўпланиши ва текширишга асос бўлиши;

6) фақат қонунда кўрсатилган манбалардан олиниши лозим.

2. Далил манбаларининг турларига қуйидагилар киради:

– гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари;

– экспертнинг хулосаси;

– ашёвий далиллар;

– овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар;

– тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар.

Жиноят процессининг мақсадларига, яъни жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги, айбдорларни фош этишга эришиш учун зарурий бир шартга амал қилиниши лозим. Бу ҳақиқатда қандай ҳодиса юз берганлигини, жиноятни ким ва қандай ҳолатларда содир этганлигини аниқланиши ҳисобланади. Жиноий ҳодиса исбот қилиш мажбурияти юклатилган суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда суд учун ўтмиш ҳодисаси бўлганлиги сабабли, унинг барча ҳолатларини улар фақат исбот қилиш воситаси бўлмиш далиллар ёрдамида аниқлашлари ва тегишли хулосага келишлари мумкин.

Шу сабабли жиноят иши бўйича маълум бир қарорга келишдан олдин мураккаб билиш жараёни ўтказилиши лозимки, бу жараён **исбот қилиш** деб аталади.



Исбот қилиш жиноят процессида жуда муҳим ўринни эгаллайди. Агар исбот қилиш фаолияти натижасиз якунланса, агар жиноят ким томонидан ва қандай ҳолатларда содир этилганлиги аниқланмаса, жиноят процессининг мақсадларига эришилмаган деб ҳисоблаш мумкиндир. Жиноят оқибатида етказилган зарар қопланмаса, асосийси, жиноятчи жазосиз қолса, у ўзининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларини давом эттириши шубҳасиздир. Исбот қилиш жараёнида хатоликка йўл қўйилса, бундан ҳам оғирроқ оқибатлар келиб чиқиши мумкинки, булардан бири айбсиз шахснинг жазоланишидир. Шундай қилиб исбот қилиш қанчалик тўла ва моҳирлик билан амалга оширилса, иш бўйича чиқариладиган ҳукм ва бошқа қарорларнинг қонунийлиги ва асослантирилганлиги шунчалик таъминланган бўлади.

Исбот қилиш, юқорида айтилганидек, билиш жараёни бўлиб, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Бошқа соҳалардаги билишдан фарқли ўлароқ, жиноят иши бўйича исбот қилиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

1. Жиноят-процессуал исбот қилишда билиш предмети ўзига хос хусусиятга эгадир.
2. Иш бўйича қарор чиқаришнинг зарурлиги.
3. Исбот қилиш жараёни маълум бир муддатлар билан чекланган.
4. Исбот қилиш жараёни қонун билан тартибга солинган ва маълум процессуал шаклда ўтказилади.⁷

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2004 й. 24 сентябрдаги “Далилларнинг мақбуллигига оид жиноят процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленум қарорида бу масалалар батафсил баён қилинган бўлиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай

⁷ Иномжонов Ш.Х. Далиллар назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. / ю.ф.д., проф. Ғ.А.Абдумажидовнинг таҳрири остида. -Т.: 2006 йил. – 4-5 бетлар.



сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроқсиз) деб топилишига олиб келади, дейилган.

Номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПКнинг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

3. Далиллар мақбуллигининг шартлари қуйидагилар:

- далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатларни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;
- маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;
- далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя қилган ҳолда олинган бўлиши;
- далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўз қарорида далиллар мақбуллигига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлади деб кўрсатилган.

4. Далиллар қуйидаги ҳолларда номақбул деб топилади:

1) далил терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси томонидан иш тергов органига ўтказилганидан кейин, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ёзма топшириғисиз ўтказилган тергов ҳаракати давомида олинган бўлса, тергов ҳаракати белгиланган тартибда ишни ўз юритувига олмаган ёки тергов гуруҳи таркибига



киритилмаган суриштирувчи ёки терговчи томонидан ўтказилган бўлса, тергов ҳаракати ЖПК 76-моддасида белгиланган асосларга кўра рад этилиши шарт бўлган шахс томонидан ўтказилган бўлса;

2) маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, унда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбирлари вақтида олинган бўлса;

3) далил қонунга хилоф усул билан, яъни уни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилинмаган ҳолда олинган бўлса, жумладан:

а) прокурорнинг санкцияси олинмиши шарт бўлган ҳолларда тергов ҳаракатининг санкция олинмасдан ўтказилиши (кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно);

б) тергов ҳаракатида ҳолис сифатида иш бўйича манфаатдор шахснинг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ёки жамоатчилик асосида кўмаклашувчи бошқа шахс иштирок этган бўлса;

в) кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқдорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, кадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўللار орқали олинмиши;

г) эксперт хулосасининг экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари бузилган ҳолда олинмиши;

д) ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан кўрсатув олинмиши;

е) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи яқин қариндошларининг ЖПКнинг 116-моддаси талабларига хилоф равишда ўз розилигисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тегишли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши ва ҳоказо.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсонни олий қадрият сифатида эътироф этади. Айбсизик презумпциясига кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади (ЎЗР ЖКнинг 9-моддаси). Шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган далиллар воситасидагина исботланиши мумкин. Чунки, жиноий ҳодиса исбот қилиш мажбурияти юклатилган суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда суд учун ўтмиш ҳодисаси бўлганлиги сабабли, унинг барча ҳолатларини улар фақат исбот қилиш воситаси бўлмиш далиллар ёрдамида аниқлашлари ва тегишли хулосага келишлари мумкин.

ЎЗР ЖПКнинг «Ҳақиқатни аниқлаш»-деб номланган 22-моддасида «Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.»-деб белгилаб қўйилган. Шунинг учун, исбот қилиш субъектлари жиноят ҳақидаги маълумотларни асосан жиноят содир этган шахсдан олишга ҳаракат қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003-йил 19-декабрдаги 17-сонли «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарори 8-бандига биноан, шахс ЖПК 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланган ҳолларда, гарчи қонунда бу ҳақда тегишли баённома шахс милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилгандан сўнг расмийлаштирилиши белгиланган бўлса-да, у амалда ушланган (қўлга олинган) пайтдан бошлаб гумон



қилинувчи деб ҳисобланади. Айнан шу пайтдан бошлаб ушлаб турилган шахс гумон қилинувчига берилган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ҳимоячи олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Шу туфайли, бундай ҳолларда у гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги ҳақидаги қарор унга эълон қилинмасдан ҳамда тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин эмас.

Махсус адабиётлар:

1. Жиноят ҳуқуқи умумий қисм дарслик. А. Якубов, Р.Қобулов, З. Зарипов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси –Т. – 2016.
2. Рустамбоев М. Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар(махсус қисм) – Т. – 2016.
3. Рустамбоев М. Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар(умумий қисм). – Т. – 2016.
4. Хизматчини пора эвазига оғдириш жинояти учун жавобгарлик. М.Хайдаров. – Ўқув қўлланма.– 2014.
5. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш. И.А.Соттиев. – 2008
6. Рустамбоев М.Х. , Ахраров Б.Д. бошқарув тартибига қарши жиноятларни квалификация қилиш: ўқув қўлланма. –Т.2007.
7. Хожиев Э. Давлат бошқаруви. –Т. – 2006.
8. Уголовный кодекс Российской Федерации. –М. – 2009. –С.118.
9. Уголовный Кодекс Франции / Науч. редактирование канд.юрид.наук.доц. Л.В.Головки, канд.юрид.наук. Н.Е.Криловой; перевод с французского и предисловие канд.юрид.наук.доц. Н.Е.Криловой. –СПБ. – 2002. –С.392-394.



10. Кирминалистика олий ўқув юртлар учун дарслик/ муаллифлар Ғ.Абдураҳимов ва бошқалар. – Т.–2003. 2 ж.
11. Алимова Р. А , Норбоев А жиноят ишлари тергов қилиш усуллари ўқув қўлланма. – Т- ТЮИ нашриёти.–2007.– Б.62
12. Жиноят процесси махсус қисм дарслиги . юридик фанлар номзоди Ғ Иноғомжоновни умумий таҳрири остида.– Т-ТДЮИ. – 2003.– Б. 380
13. Жиноят процесси умумий қисм. Юридик институт талабалари учун дарслик доцент Ғ Иноғомжоновнинг умумий таҳрири остида.– Т. Янги аср авлоди.– 2002. –Б. 382
14. Кирминалистик тактика дарслик юридик фанлар доктори У.Таджихоновнинг умумий таҳрири остида. – Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.– 1996. – Б.214
15. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига шарҳлар маъсул муҳаррир проф. Ғ.Абдураҳимов. – ТДЮИ нашриёти.– 2009. –Б.950
16. Рижиков.А.П.Комментарий Уголовно процессуальному кодекс Российской Федерации. 2.е. изд.изм.идоп. М.Издотества. – 2002 .
17. Омелченко.С.С. Уголовно провавая оценко и оскробления –М. – 2001.
18. Гражданского кодекс Российской Федерации. – М. –2005.
19. Муродов.Б.Б. Дастлабки терговда жиноят ишлари тугатиш масалалари юридик фанлар номзоди, доцент, автореферат –Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. – 2008.–Б.24.
20. Тергов процессуал ҳужжат намуналари Ш.Т.Икрамовнинг умумий таҳрири остида ИИВ Академияси -Т. –2012.